

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг “Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида”ги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ижроия кўмитасининг Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг (бундан буён матнда “Бошқарма” деб юритилади) шунингдек ҳудудий тузилмаларининг асосий вазифаларини ва фаолият йўналишларини ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

1.2. Бошқарма Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси (бундан буён матнда “Палата” деб юритилади) Ижроия кўмитасининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

1.3. Бошқарма Палата Президиуми қарори билан ташкил қилинади ва тугатилади.

1.4. Бошқарма тўғридан-тўғри мувофиқ йўналишдаги Палата раисининг ўринбосарига бўйсунди.

1.5. Мазкур Низом Палатанинг Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг умумий фаолиятини тартибга солади.

1.6. Бошқарма ўзининг фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Палата Президиуми қарорлари, палата Раисининг буйруқлари ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Низом талабларига амал қилади.

II. Бошқарманинг асосий вазифалари.

2.1. Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- тадбиркорлик субъектлари мурожаатларининг кўриб чиқилишини таъминлайди;

- ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда унинг натижаларини тизимли асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга тақдим этиш;

- вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) кесимида жойлардаги ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ҳамда қонунчиликдаги меъёрлар ва талабларнинг амалга оширилиши натижалари бўйича ҳар чоракда таҳлил ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ваколатли органларга уларни яхшилаш бўйича таҳлилий материаллар ва таклифларни тақдим этиш;

- тадбиркорлик фаолияти соҳаси қонунчилигининг, аввало маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижро этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишнинг амалий механизмини жорий этиш ҳамда уларнинг фаолияти бўйича мустақил баҳолашни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан шикоят аризалари берган тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларининг тикланишини муҳокама этган ҳолда оммавий-ахборот воситалари, идоралараро йиғилишлар ва ҳайъат мажлислари муҳокамасига киритиш орқали ёритиб бориш;

- Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш секторларининг фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини раҳбарият топшириғига кўра ва мунтазам равишда текшириб бориш, уларга амалий - услубий ёрдамлар кўрсатиш, мазкур сектори ходимларини иш ўрганишга чақириш, уларнинг касб-маҳоратини ошириш чораларини кўриш ва фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

- Бошқарма ўз ваколатлари доирасида бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

III. Бошқарма фаолиятини баҳоловчи мезонлар

3.1. Бошқарма фаолиятининг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши бўйича самарадорлигини баҳолашда ва ходимларнинг функционал жавобгарлигини белгилаш мақсадида қуйидаги мезонлар қўлланилади:

а) ваколатли органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатининг таҳлили;

б) муурожаатларнинг ечимини эксперт кенгашлари орқали аниқлаштириш;

в) муурожаатларнинг ечимини вазирликлар ва давлат ташкилотлари ҳамда бошқа ваколатли органларга тақдим этилиши орқали аниқлаштириш;

г) юридик хизмат кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш;

д) мажбурий жавоб талаб этиладиган сўровномалар юбориш;

е) суд ва бошқа давлат органларига киритилган даъво, шикоят, аризаларнинг натижаси бўйича таҳлилий ҳисоботларда акс эттирилиши;

IV. Бошқарманинг ҳуқуқлари.

4.1. Бошқарма ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идораларга ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш масалалари бўйича таклифлар тақдим этиш;

- тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги низоларни тартибга солишни таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг ваколатли шахсларидан зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;

- эксперт кенгашларини ташкил этиш, шунингдек, ваколатли давлат органларига қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ноаниқликлар ва турлича ёндашувларни бартараф этиш бўйича мажбурий жавоб талаб этиладиган ёзма сўровномаларни тақдим этиш;

- қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланганда, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли идораларга таклифлар киритиш;

- давлат органларининг ваколатли шахслари қарорлари, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоятлар бўйича тадбиркорлик субъектлари номидан суд жараёнининг исталган босқичида иштирок этиш, шунингдек, шикоят аризалари билан бир қаторда апелляция, кассация шикоятлари, аризалар, жумладан назорат тартибида рад этиш тўғрисидаги хатларни тақдим этиш;

- жиноий ишлар бўйича амалиётда жамоат ҳимоячилари сифатида иштирок этиш;

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаатларни текширишни амалга ошириш, шунингдек Бошқарма фаолияти доирасига тааллуқли бўлган масалалар бўйича ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш учун вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, илмий ва таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларини эксперт кенгаши аъзолари сифатида белгиланган тартибда жалб қилиш ва якуний расмий хулосалар чиқариш;

- тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатлардан келиб чиқиб, ҳудудий бошқармаларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма хатлари юбориш;

4.2. Бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Бошқарма фаолиятини ташкил қилиш

5.1. Бошқарма фаолияти ходимлар ўртасида иш тақсимотини аниқ вазифалар, ҳудудлар ва ўриндошлик асосида ташкил этиш орқали амалга оширилади.

5.2. Бошқарманинг иш режасида қайд этилган ҳар бир банднинг ижроси учун бошқарма, шунингдек, тадбирнинг ижросини ҳамкорликда таъминлаши лозим бўлган тузилмалар аниқ белгилаб қўйилади.

5.3. Бошқарма томонидан ҳудудларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишининг ҳолатига оид таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ишни ташкиллаштириш бўйича Палата ва бошқарманинг йиллик, ярим йиллик иш режаларига таклифлар берилади.

5.4. Бошқармага келиб тушган шикоят, мурожаат ва аризалардаги масала ва моҳиятдан келиб чиқиб, батафсил жавоб берилиши учун, мутахассислиги бўйича Палата ИҚнинг тегишли бошқарма ва бўлимларига ёки ҳудудий бошқармаларига хизмат ёзишмаси орқали мурожаат юборилади ёхуд ёзма фикр олинади.

5.4. Бошқарманинг ташкилий тузилмасига:

- а) бошқарма бошлиғи;
- б) бошқарма бошлиғи ўринбосари (1 нафар);
- в) бош юрисконсулт (3 нафар);
- в) етакчи юрисконсулт (2 нафар);

5.5. Бошқарманинг барча раҳбар ва ходимлари Палата раиси ёки у кўрсатган шахснинг суҳбати асосида Палата раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

VI. Бошқарма бошлиғининг ваколатлари.

6.1. Бошқармани мувофиқ йўналишдаги раис ўринбосарининг тавсияси асосида Палата раисининг буйруғи билан тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган бошлиқ бошқаради.

6.2. Бошқарма бошлиғи:

- Бошқарма фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Бошқарма ишларини ташкиллаштиради, йуналтиради ва назорат қилади;
- Бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;
- ҳудудий секторларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва функционал вазифалар, аниқ топшириқларнинг бажарилиши учун ҳар бир ходимнинг жавобгарлик доирасини белгилайди;
- Палата раҳбарияти топшириқлари, буйруқлари ва кўрсатмаларининг ходимлар томонидан бажарилишини текширади, ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилишини назорат қилади;

- Палата Ижроия қўмитасига ходимларни рағбатлантириш, интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

- Бошқарма таркибини ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, Бошқарма фаолиятига оид муҳим масалалар ҳақида раис ва унинг ўринбосарларига мунтазам равишда ахборот беради;

- Бошқарма фаолиятига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш, тегишли дастурлар, режалар ва бошқа топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш учун Бошқарманинг барча ходимлари иштирокида тезкор йиғилишлар ўтказади;

- мавжуд штат жадвали асосида лавозимга тайинлаш учун тегишли тартибда бўйсунув тартибидаги раис ўринбосари билан келишилган ҳолда раисга номзодларни тақдим қилади;

- Бошқарма ходимларидан меҳнат интизомини бузганлик, юклатилган вазифаларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаганлик ҳолатлари юзасидан тушунтиришлар олади;

- ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди.

VII. Бошқарма бошлиғи ўринбосарининг ваколатлари.

7.1. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимга амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда Палата раиси буйруғи билан Палата раисининг мувофиқ йўналишдаги ўринбосари ва бошқарма бошлиғи тавсияси бўйича тайинланади ва озод қилинади.

7.2. Бошқарма бошлиғи ўринбосари:

- Бошқарма бошлиғи ўринбосари бошқарманинг иш тақсимотида асосан фаолиятни амалга ошириб, бошқарма бошлиғига ва Палата Ижроия қўмитаси раҳбариятига ахборот бериб боради;

- Бошқарма фаолиятига тааллуқли бўлган Палата раҳбарияти буйруқлари, топшириқлари ва кўрсатмалари ҳамда Палатанинг Ижроия қўмитаси, Президиуми қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

- иш режаларига таклифлар тайёрлайди ва уларнинг бажарилиши чораларини кўради ва ижро этилишида қатнашади;

- раҳбарият топшириғига кўра ҳудудий бошқармаларнинг фаолиятини текширишда қатнашади, уларнинг фаолиятидаги ҳужжатларни ўрганади. Ижобий тажрибаларни оммалаштириш юзасидан раҳбариятга таклиф киритади;

- жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишини назорат қилади;

- Бошқармада ҳал қилинган мурожаатлар бўйича қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда жавоблар тайёрланишини ва муаллифларга юборилишини ташкил этади;

- тадбиркорлик субъектларининг вакилларини шахсан қабул қилади;

- ўзига бириктирилган вазифалар, соҳа ва ҳудудлар бўйича тақдим этилган маълумотларни ўрганади, умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотлар асосида таҳлилий ҳисоботлар тайёрлайди;

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, қонунларнинг самарадорлигини оширишга доир таклифлар тайёрлайди, услубий тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқади;

- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишларида иштирок этади;

- иш юритишни Йўриқнома асосида олиб боришни ташкиллаштиради.

7.3. Бошқарма бошлиғи вақтинча ўз ўрнида бўлмаганда Бошқарма бошлиғи вазифасини унинг ўринбосари бажаради.

VIII. Бошқарма бош юрисконсултининг ваколатлари.

8.1. Бош юрисконсулт лавозимга амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда Палата раиси буйруғи билан Палата раисининг мувофиқ йўналишдаги ўринбосари ва бошқарма бошлиғи тавсияси бўйича тайинланади ва озод қилинади.

8.2. Бош юрисконсулт:

- бошқарманинг иш тақсимотига асосан фаолиятни амалга ошириб, бошқарма бошлиғига ва Палата раҳбариятига ахборот бериб боради;

- Палата раҳбариятининг буйруқ ва кўрсатмалари, Палата ва бошқарма иш режалари, Президиум ва Ижроия қўмита қарорларининг бажарилишини ташкил қилади, бошқарма бошлиғига мажлис муҳокамаси учун ҳужжатларни тақдим этади;

- Палата ва бошқарманинг йиллик, ярим йиллик иш режаларига таклифлар тайёрлаб бошлиққа тақдим этади ҳамда уларнинг бажарилиши чораларини кўради ва ижро этилишида қатнашади;

- ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолатлари тўғрисидаги статистик ва бошқа маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади, натижаси бўйича аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлайди;

- раҳбарият топшириғига кўра ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилинишига оид масалаларни ўрганишда, ҳудудий тузилмаларнинг фаолиятини текширишда қатнашади, ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан раҳбариятга таклиф киритади;

- ўзига бириктирилган вазифалар, соҳа ва ҳудудлар бўйича тақдим этилган маълумотларни ўрганади, умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотлар асосида таҳлилий ҳисоботлар ишлаб чиқади;

- тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини белгиланган муддатларда ҳар томонлама ўрганиб чиқади, мурожаатлар бўйича ахборот ва таҳлилий маълумотномалар тайёрлайди ҳамда Палата раҳбарияти буйруқ ва кўрсатмаларида белгиланган тартибда жавоблар тайёрланишини ва муаллифларга юборилишини ташкил этади;

- Палата раҳбарияти топшириғига кўра ишбилармон доира вакиллари ва давлат органлари иштирокидаги мамлакатда тадбиркорлик фаолиятида вужудга

келаётган муаммоли масалаларга оид конференция, семинар ва давра суҳбатларида қатнашади;

- тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, савдо-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, кооперацион биржалар, бизнес форумлар ташкил этиш ва ўтказишда қатнашади;

- ўзига бириктирилган вазифалар, соҳа ва ҳудудлар бўйича тақдим этилган маълумотларни ўрганади, умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотлар асосида таҳлилий ҳисоботлар тайёрлайди;

- меҳнат қонунчилигига мувофиқ унга бириктирилган функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариши бўйича жавобгарликни зиммасига олади;

- иш юритишни Йўриқнома асосида олиб боришни ташкиллаштиради.

IX. Бошқарма етакчи юрисконсультининг ваколатлари.

9.1. Етакчи юрисконсульт лавозимга амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда Палата раиси буйруғи билан Палата раисининг мувофиқ йўналишдаги ўринбосари ва бошқарма бошлиғи тавсияси бўйича тайинланади ва озод қилинади.

9.2. Етакчи юрисконсульт бевосита бошқарма бошлиғига буйсунади.

9.3. Етакчи юрисконсульт :

- етакчи юрисконсульт бевосита бошқарма бошлиғига буйсунади.

- иш ваколатига доир масалалар бўйича Палата ҳудудий бошқармаларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириб боради;

- йиллик ва ярим йиллик иш режаларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, бажарилиши бўйича маълумотларни умумлаштиради ва бошқарма бошлиғига тақдим этади;

- ҳисобот даврига доир қилинган ишлар бўйича ҳисоботларни умумлаштиради ва Бошқарма бошлиғига тақдим этади;

- Палата раҳбарияти томонидан тасдиқланган Регламентга мувофиқ ички ҳужжат юритиш қоидалари бўйича иш юритади;

- Палата раҳбарияти топшириғига кўра ишбилармон доира вакиллари ва давлат органлари иштирокидаги мамлакатда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига оид конференция, семинар ва давра суҳбатларида қатнашади;

- ўрнатилган тартибда ўзига юклатилгандан бошқа функцияларни ва Палата раҳбарияти топшириқларини амалга оширади;

- меҳнат қонунчилигига мувофиқ унга бириктирилган функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариши бўйича жавобгарликни зиммасига олади;

- Бошқарма фаолиятига оид маълумотлар ва зарурий ҳужжатларни Палата бўлинмалари ва ҳудудий бошқармаларидан олади ва фойдаланади;

- Бошқарма ваколатига доир таклифлар, қарор лойиҳалари, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни Бошқарма бошлиғига кўриб чиқиши учун тақдим этади.
- ўзига бириктирилган вазифалар, соҳа ва ҳудудлар бўйича тақдим этилган маълумотларни ўрганади, умумлаштиради ҳамда ушбу маълумотлар асосида таҳлилий ҳисоботлар тайёрлайди.

Х. Бошқармада иш юритишни ташкил этиш тартиби.

10.1. Палата раҳбарияти томонидан тасдиқланган Регламентга мувофиқ ва ушбу Низомда кўрсатилган тартибда иш юритишни Бошқарма бошлиғи ташкиллаштиради ва ходимларнинг функционал вазифаларидан келиб чиқиб ҳужжатларни ижро учун тақсимлайди ҳамда бажарилиши устидан умумий назорат қилади.

10.2. Ҳужжатлар ижроси учун белгиланган масъул ходим унинг қонунчиликда белгиланган тартибда, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавобгар ҳисобланади.

10.3. Бошқарма бошлиғи томонидан иш юритиш бўйича тайинланган масъул ходим:

- келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар ҳисоби ва уларнинг қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилиши бўйича умумлаштирган маълумотларни Палата раҳбариятига тақдим этади;

- келиб тушган мурожаатларнинг тез ва сифатли бажарилиши учун зарур барча ҳаракатларни амалга оширади;

- иш юритиш ва ҳужжатлар ижроси ресстрини шакиллантиради ва таҳлилини юритади.

10.4. Ҳужжатларни ижро этиш тартиби, муддати ва уларнинг таҳлили амалдаги мурожаатларга доир қонун ҳужжатлари ва Палатанинг ички тартиб қоидаларига асосан амалга оширилади.

10.5. Фаолият йўналишига оид барча ҳужжатлар Бошқарма бошлиғи томонидан кўриб чиқилади ва имзоланади.

ХІ. Бошқарманинг жавобгарлиги.

11.1. Бошқарма ўзига юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишларининг бажарилиши учун амалдаги қонунчилик ҳамда ушбу Низом талаблари бўйича жавобгардир.